
“Обод қишлоқ”қа айланаётган Хотамтой маҳалласида электр таъминотини яхшилаш мақсадида замонавий СИП кабеллари тортилмоқда

Ўзбекистон туманидаги Хотамтой маҳалласида “Обод қишлоқ” давлат дастури доирасида белгиланган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Дастур асосида маҳаллага 160 кВАли янги трансформатор ва 210 дона янги темир-бетон таянч устунлари ўрнатилиб, айти кунларда мазкур таянчларга режадаги салкам 4,8 км. масофада СИП русумдаги изоляцион кабеллар тортилмоқда. Туман энергетиклари шу кунларда 2,1 км. замонавий кабелларни тортиб улгуришди ва жараён қизғин давом этмоқда.





Қайд этилишича, дастур доирасида маҳаллага 100 кВАли яна бир янги трансформатор пункти ҳам ўрнатилиши кўзда тутилган.



Айни дастур асосида худди шундай ободлик ва бунёдкорлик ишлари туманнинг Намуна маҳалласида ҳам давом этмоқда.
2022-09-16 17:31:12